

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга тавсия этилди”

“Иқтисодиёт” кафедраси
муdiri, и.ф.н

_____ **Ш.А.Султонов**

“Иқтисодиёт” кафедраси
мажлиси

баённомаси № __ 2017 йил
“ ”

5230100 - “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”
таълим йўналиши

Ик-113 гуруҳ талабаси Исакулов Умид Абдувалиевичнинг

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш
ҳажмини ошириш йўллари

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: МЧЖ шаклидаги “Артек Интернационал”
Ўзбекистон Буюк Британия қўшма
корхонаси иқтисодчиси А.И.Рахмонов
Илмий маслаҳатчи: Ф.Б.Абдукаримов

САМАРҚАНД – 2017

Мундарижа:

Кириш.....	
I - Боб. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг моҳияти, таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва усуллари	
1.1. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ назарий масалалар.....	
1.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар	
1.3. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари , манбалари ва усуллари.....	
II-Боб. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг таҳлили.....	
2.1. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖнинг ижтимоий – иқтисодий тавсифи.....	
2.2. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг таҳлили.....	
III-Боб. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ошириш йўллари.....	
3.1. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ошириш йўллари	
3.2. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда меҳнат ва ёнҳин хавфсизлиги	
Хулоса ва таклифлар	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатни модернизациялаш шароитида ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жиҳатдан янгиланаётганидан далолат бериб келмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок этиш, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, методологик муаммоларни ҳал қилишга улгуриш қийин бўлмоқда.

Маҳсулоти ишлаб чиқаришни ва сотишни оғишмай ўстириш натижасида миллий даромад ҳажмини оширади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларининг юксалиши учун қўшимча манбаларни яратади ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини янада оширади. Бозор муносабатлари шароитида энг долзарб масалалардан бири фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришдир. Ишлаб чиқариш ва сотишни техника жиҳатдан замонавий тарзда қайта қуrollантириш ва қайтадан ускуналаш (реконструкциялаш), барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан (имкониятидан) жадал (интенсив) фойдаланиш, бошқарув тизимининг хўжалик механизмини такомиллаштириш бозор муносабатларига ўтиш суръатларини ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда халқнинг фаровонлигини юксалтиришни таъминлайди.

Шундай экан, ҳозирги шароитда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини оширишда бир қанча муаммолар мавжуд. Бу муаммоларнинг ечимлари аста-секин ишлаб чиқарилмоқда.

Битирув малакавий ишининг мақсади. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш йўллари юзасидан назарий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифаси: Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича бизнес-режани асосланганлигини ва тиғизлигини аниқлаш;

- корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръати, таркиби, номенклатура, ассортименти, сифати ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериш;

- ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки камайиш унинг сабабларини аниқлаш;

- тузилган шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича сотиш режасининг бажарилишига баҳо бериш;

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни ошириш бўйича резервларни аниқлаш ва унинг таркиби ҳамда сифатини яхшилаш кабилар.

Тадқиқот объекти: “Дилшод – Нодир файз савдо” Маъсулияти чекланган жамияти

Тадқиқот предмети: Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини оширишдан иборат.

Битирув малакавий ишимнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иш: кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I - Боб. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг моҳияти, таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва усуллари

1.1. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ назарий масалалар

Мамлакатни модернизациялаш шароитида барча корхона ишлаб чиқаришни интенсивлаштирувчи тадбирларни амалга ошириши зарур.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи энг муҳим омил - бу фан ва техника тараққиёти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Охирги вақтларгача фан-техника тараққиёти эволюцион тарзда ривожланиб келди. Натижада амалдаги технологиялар такомиллашиб, машина ва ускуналар қисман замонавийлашди. Бундай натижа сезиларли, лекин кутилганидек эмас эди.

Янги техникалар бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш етарли даражада эмас эди. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги шароитида фан ва техниканинг охирги ютуқлари асосида иқтисодиётнинг барча тармоқларида янги техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилган революцион ва сифатий ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- * илғор технологияларни кенг ўзлаштириш: юқори босим ва таъсирчан кучлар қўлланиладиган мембранали, лазерли, плазмали технологиялар ва бошқалар;

- * ишлаб чиқаришни автоматлаштириш - юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи робот техникалар, роторли ва ротор - конвейр линиялар, мосланувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

* металл маҳсулотлар, пластик қоришма, композитлар, металл кукунлар, керамик ва бошқа прогрессив тузулишли материалларнинг янги шакллари яратиш ва ундан фойдаланиш.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида энг муҳим тадбирлар фан-техник характерига эга бўлди. Фойданинг катта қисми, солиқлар тўлангач, корхоналар ихтиёрида қолади. Бундай ҳолат меъёрий эмас. Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан корхоналар келажакдаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга етарли эътибор бера бошлайдилар. Янги техникаларга, ишлаб чиқаришни янгилашга, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга зарурий воситаларни йўллайдилар. Ундан ташқари, ташкилий шарт-шароитлар ва омиллар, конструкторлар, инженерлар, ишчилар ижодий меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий мотивлар яратиш зарур. Техник ва технологик янгиланишлар, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар меҳнат унумдорлигининг ошишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бунинг учун янги техника ва технологияларни жорий қилишни таъминлаш, ишлаб чиқаришга меҳнатни илмий ташкил этишнинг прогрессив шакллари жорий қилиш, уни меъёрлашни такомиллаштириш, меҳнат маданиятини ошириш, тартиб-интизомга эришиш, меҳнат жамоасининг барқарорлигини таъминлаш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи яна бир муҳим омил бу - тежамкорлик ҳисобланади. Ресурсларни тежаш ёнилғи, энергия, хом-ашё ва материалларга бўлган ўсиб боровчи талабни кондиришининг асосий манбаига айланиши лозим. Бу муаммоларни ечишда саноат асосий ўринни эгаллайди. Бу тармоқда хом-ашё ва ёнилғи-энергетик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган машина ва ускуналарни жорий қилиш лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий даромад бирлигига ҳисоблаганда бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда ёнилғи, электроэнергия, металллар сезиларли даражада кўп сарфланаяпти. Бу эса катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишда ресурсларнинг тақчиллигига олиб келади. Шунинг учун, мамлакат машинасозлигини тубдан замонавийлаштириш зарур. Бу эса фан-техник тараққиёти негизида бутун иқтисодиётни модернизация қилишнинг муҳим шартидир. Бунга эришишга қаратилган узоқ муддатли, стратегик мақсадлар аҳолининг зарурий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш билан уйғунлашмоғи лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши кўп ҳолларда асосий фондлардан яхшироқ фойдаланишга боғлиқ бўлади. Мавжуд иш-лаб чиқариш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ускуналарни макси-мал даражада иш билан таъминлаш, унинг сменалигини рационал ошириш ва шу асосда ҳар бир ускуна бирлигига ва ҳар бир метр квадрат ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини ошириш зарур.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштирувчи ва унинг самарадорлигини оширувчи омиллардан бири - иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштириш. Фан-техника тараққиётини таъминлайдиган ва ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қиладиган тармоқларни нисбатан юқори даражада ривожлантириш зарур.

Инвестицион сиёсат капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган. Маблағларни фан-техника тараққиётини тез-лаштиришни таъминловчи тармоқлар фойдасига қайта тақсимлаш лозим. Маблағларнинг катта қисми фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга ва реконструкция қилишга йўналтирилиши керак.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида фан-техника тараққиётининг асоси ҳисобланган машинасозлик тезкор ривожлантирилиши лозим. Бунда асосий эътибор станоксозлик, электротехника саноати, микроэлектроника, ҳисоблаш техникаси, приборсозлик, информатика индустриясига қаратилиши керак.

Ёнилғи-энергетика баланси таркибини яхшилаш, хавфсизлиги максимум даражада таъминланган атом энергетикасини ривожлантириш билан биргаликда олиб борилади. Бунинг учун эса иқтисодиётнинг барча тармоқларида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилиб бориши лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим: халқ истеъмоли товарлари ва барча турдаги хизматлар ишлаб чиқаришни тезкор оширишни таъминлаш; кичик корхо-наларни ривожлантириш; ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш; ишлаб чиқариш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш; транспорт, электр, нефт ва газ таъминоти тизимини ҳамда алоқа ва ахборот таъминотини яхшилаш.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий ўринлардан бирини (бошқарувни ўз ичига олувчи) ташкилий-иқтисодий омиллар эгаллайди. Ижтимоий ишлаб чиқариш масштабининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан унинг роли ортиб боради. Энг аввало, бу ишлаб чиқаришнинг рационал шакллари ривожлантириш ва такомиллаштириш демакдир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Уни ривожлантириш талаб қилинади. Бу бошқариш, режалаштириш, барча хўжалик механизмларини иқтисодий рағбатлантиришнинг усуллари ва шакллари такомиллаштириш; режалаштиришда - режаларнинг

оптималлиги ва ҳаққонийлиги, иқтисодиётнинг қуйи бўғинларига тўсқинлик қилмасдан, фаолияти учун имкониятлар яратадиган режали кўрсаткичларнинг оптимал тузилган тизимини яратишни тақозо қилади. Ушбу омиллар тизимига қуйидагилар ҳам киради: тижорат ҳисоби ва моддий рағбатлантириш дастаклари, моддий жавобгарлик ва бошқа иқтисодий рағбатларнинг кенг қўлланилиши.

Самарали хўжалик юритиш муаммосини ҳал қилишда, ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни яратиш ҳамда уни амалиётга жорий қилишда асосий ўринлардан бирини фан ўйнайди. Фан-техника тараққиётини тезлаштиришнинг актуал муаммолари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш лозим. Бу эса ишлаб чиқаришнинг меҳнат, материал ва энергия сиғимини камайтиради ҳамда маҳсулот сифатининг ошишига олиб келади.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи барча омилларнинг таъсир қилиш имконияти сезиларли ўзгаради. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилади, - у истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, унга мослаштирилади; иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари - саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа юқори технологиялар асосида замонавийлаштирилади; жаҳон фан-техника тараққиёти даражасига тенглаштирилади; хўжалик юритишнинг барча шакллари эркин ривожлантирилади; иқтисодиёт молиявий соғломлаштирилади; мамлакат халқаро алоқаларга узвий боғланади.

Юқорида таъкидланганлар натижасида бошқариладиган, маданиятли бозор хўжалиги шаклланади. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига, жами ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, миллий бойликнинг ортишига олиб келади.

Ҳар бир корхонанинг фаолияти равнақ топиб боравериши ва фойданинг ортиб боришига, албатта, кўпгина кўрсаткичлар таъсир курсатади. Булардан бири корхонанинг молиявий натижаси булса, иккинчиси, товар маҳсулотини реализацияси қилиш натижасида тушган пул тушумларини таҳлил қилишдан иборатдир.

Корхоналар маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг тақсимланиши узига хос харажатлар тизими воситасида амалга оширилади ва бундай харажатларнинг функционал вазифаларига кўра турли хил марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондлари ва корхона олдидаги молиявий мажбуриятлар бўйича туловлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1999 йилда жорий этган «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализацияси қилишда таннах таркибига кирувчи харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби» тўғрисидаги низоми бийича маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг тақсимланишидаги харажатлар тизимининг қуйидаги элементларини куриб утилади:

Харажатларни ишлаб чиқариш жараёнидаги функцияларига боғлиқ равишда:

- ишлаб чиқариш харажатлари;
- ноишлаб чиқариш харажатлари.

Маҳсулотнинг қийматига олиб боришига боғлиқ равишда:

- тўғри харажатлар;
- егри харажатлар.

Реализацияси қилинган маҳсулот билан чегириш вақтига боғлиқ равишда:

- таннарх таркибига киритиладиган харажатлар;
- давр харажатлари.

Сотилган маҳсулот узгариш реакциясига боғлиқ равишда:

- Узгарувчан харажатлар;
- Доимий харажатлар;

-Доимий- узгарувчан харажатлар.

Маҳсулот сотишдан тушган тушум таркибидаги фойда миқдорига куйидаги омиллар таъсир килади:

- Сотилган маҳсулот ҳажмининг узгариши. Бу омил корхона фаолиятига боғлиқ (ички омил), чунки, маҳсулот канча кўп сотилган булса, фойда ҳам шунча кўп булади.
- Ишлаб чиқариш таннархининг узгариши. Бу омил ҳам ички хусусиятга эгадир. Чунки, маҳсулот таннархи канча ҳамайса, фойда ҳам мутаносиб тарзда кўпаяди.
- Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар даражасининг узгариши;
- Улгуржи бахонинг узгариши. Бу омил ташқи хусусиятга эга булиб, яъни корхона фаолиятига бевосита боғлиқ эмас.
- Қушилган қиймат солиғи ставкасининг узгариши(ташки омил);
- Маҳсулот ассортименти ва таркибининг узгариши.

Албатта юкоридаги омиллар фойдага таъсир этади. Маҳсулот сотишданн тушган тушумга таъсир этувчи омиллар бу асосан фойдага таъсир этувчи ташки омиллар ҳисчобланади. Шунингдек маҳсулот ишлаб чиқаришда ассортиментини кўплиги, мамлакатдаги баҳо тизими, эгри соликларнинг амалдаги ҳолати каби омиллар сотишдан тушган тушумга таъсир этади.

Корхоналарда шакллантирилган маҳсулот реализациясидан тушган тушумни таксимланиши ва молиявий фаолиятнинг самардорлигини баҳоловчи соф фойда кўрсаткичининг шаклланишигача булган тақсимот муносабатлари жараёнида корхонаннинг пул окимлари баҳолаш имкониятига эга булинади. Бундай баҳолаш натижасида фойдага таъсир этувчи асосий омиллар аникланади.

Турли маҳсулотлар турлича рентабеллик даражасига эгадир. Бинобарин, кохоналар ассортименти бийича маҳсулот ишлаб чиқариш режасига риоя килмасалар, бу ҳолат уларнинг фойдаси даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Бу омил ички хусусиятга эгадир. Агар, корхона маҳсулот

ассортименти бийича маҳсулот ишлаб чиқариш режасини 100%га бажариб фойда олган булса бу корхонанинг ютуғидир.

Агар эътибор берсак, сотишдан тушган тушумни пасайишига бир неча омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Чунончи, маҳсулот ишлаб чиқаришда таннарх харажатларининг ортиши натижасида корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни нисбатан кискартирган. Таннарх таркибидаги иш ҳақи, хом ашё харажатлари ва амортизация каби харажат элементларининг ортиши баҳларни шакллантириш сиёсатидаги узгаришлар ва корхонанинг реализацияси қилинган маҳсулотлари таннархини назорат қилиш қобилиятини пасайгалиги билан белгиланади. Таннарх харажатларини кўпайиши натижасида корхонада ялпи даромаднинг шаклланиш самарадорлиги утган йилга нисбатан сезиларли пасайган. Бу хол фойдани шаклланишига ҳам уз таъсирини курсатган. Мазкур коэффициент динамикасидаги негатив узгаришлар корхона томонидан моддий- ишлаб чиқариш захираларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ёки зарурий маҳсулот баҳоларини кайта куриб чиқиш зарурлигини тасдиқлайди.

1.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар

Хажм кўрсаткичлари орасида маҳсулотни реализация қилиш кўрсаткичи ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Дарҳақиқат, сотиш жараёни – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истъеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бериши демакдир. Бундай шароитда корхоналар маҳсулот ассортиментини кенгайтиришдан ва унинг сифатини яхшилашдан у ёки бу товарларга бўлган таклиф ва талабларни ўрганишдан манфаатдор эдилар, зеро ишлаб чиқариш сотиш жараёни билан тугалланиши керак эди.

Корхоналарнинг сотиш кўрсаткичилари орқали иш юритиш тажрибасини, жиддий нуқсонлар мавжудлигини кўриш мумкин. Гап

шундаки, корхоналар сотиш режасини орттириб бажарганлари ҳолда, уларнинг айрим истеъмолчилари билан тузилган шартнома мажбуриятига асосан товар етказиб бермаслик ҳоллари кўпайиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётнинг ривожланишига жуда катта зарар етказарди. Шу сабабли корхоналарнинг хўжалик фаолиятига баҳо беришда муҳим кўрсаткич сифатида сотиш режасининг шартнома мажбуриятларига нисбатан бажарилишини олиш лозим.

Дарвоқе, мазкур кўрсаткич бўйича режа бажарилиш даражасининг энг мақбул миқдори 100 фоиздир. Маҳсулотни реализация қилиш авваламбор, товар маҳсулотини ишлаб чиқаришга боғлиқ.

Товар маҳсулоти деганда, барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтаган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ўтган ва омборга топширилиб сотишга мўлжалланган маҳсулот тушунилади.

Сотилган маҳсулот деганда, товарлар истеъмолчиларга юборилганда ёки унинг пули товар юборувчиларининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилиши тушунилади.

Саноат маҳсулоти ҳар хил баҳоларда, яъни режада қабул қилинган улгуржи баҳода ҳисобланилар эди. Бу эса ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулотни таққослаш учун имконият яратади. Бундан ташқари товар маҳсулоти ҳисоботида амалдаги улгуржи баҳо билан ҳам ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини таннарх, фойда каби кўрсаткичлар билан боғлаш учун имконият беради, чунки таннарх ва фойда кўрсаткичларини ўлчаш учун асос қилиниб амалдаги улгуржи баҳо олинарди.

Товар маҳсулоти асосан шартнома баҳода, ўзгармас улгуржи ва амалдаги улгуржи баҳода ҳисобланади

Товар ва реализация кўрсаткичлари бир-бири билан узвий равишда боғлиқ. Масалан, ҳисобот даврида реализация қилинмаган маҳсулот (тайёр маҳсулот, жўнатилган товарлар)нинг йил бошига бўлган қолдиғига ишлаб

чиқарилган товар маҳсулоти кўшилиб реализация қилинмаган маҳсулотларнинг йил охиридаги қолдиғи айириб ташланади.

Соф маҳсулот товар маҳсулоти билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар (шу жумладан асосий ишлаб чиқариш воситаларининг амортизацияси) суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланилади. Бу кўрсаткичдан фойдаланиш меҳнат жамоаларини буюмлашган меҳнатни кам сарфлаб маҳсулот чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдор қилади. Моддий ишлаб чиқаришда барча таромоқларнинг соф маҳсулот суммаси мамлакатда ҳосил қилинган миллий даромадни ташкил этади. Соф маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш чиқимсиз хўжалик механизмини шакллантиришнинг йўналишларидан биридир.

Айрим ҳолларда бошқарув таҳлилида тўғри баҳо беришга эришиш учун норматив соф маҳсулот (НСМ) кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Норматив соф маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақини, социал суғурта учун ажратмалар ва норматив фойдани жамлаш орқали аниқланади.

Соф маҳсулотда бўлганидек, НСМнинг иқтисодий мазмунини янгидан ҳосил қилинган қиймат ташкил қилади.

НСМ соф маҳсулот сингари чиқимсиз хўжалик механизмининг муҳим йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Лекин НСМ бир қанча нуқсонлардан ҳоли эмас. Уни қўллаш доираси жуда ҳам чекланган. У асосан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларини аниқлаш ва иш ҳақи нормативларини белгилашда фойдаланилади. Бундан ташқри, у таннарх, фойда, рентабеллик, корхонанинг даромади сингари молиявий ҳолатга доир кўрсаткичлари билан боғланмаган ва ниҳоят, НСМ кўрсаткичи маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгариш таъсирига берилувчи бўлади: иккинчи даражали, аммо нисбатан кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулотларни кўпайтириш ҳисобига НСМни товар маҳсулотига нисбатан жадалроқ ўстиришни таъминлаш мумкин.

Шартли соф маҳсулот (ШСМ) – бу соф маҳсулот қўшув асосий воситаларнинг амортизациясидир. Бу кўрсаткич ҳам айрим корхоналарда қўлланилиши мумкин. Бироқ бозор муносабатлари шароитида асосий кўрсаткич эркин шартномавий нарх бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини мустақил ҳал қилади. Бу эса унинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб қайси кўрсаткични қўллашни ўзлари мустақил танлаш имконини беради.

Корхоналар фаолиятини ифодаловчи ҳажм кўрсаткичлари таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Деярли барча иқтисодий таҳлилга бағишланган дарсликларда ушбу масалага у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган.

Аммо бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётнинг эркинлашуви, кўпмулкчиликка асосланган иқтисодий тизимда кичик бизнесга асосланган хусусий сектор корхоналарининг вужудга келиши бу соҳага янгича ёндошишни, иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки корхонани бевосита оқилона бошқариш учун зарур бўлмоқда. Шу туфайли иқтисодий таҳлилга талаб ва уни амалга ошириш зарурати янада кучайди. Боз устига ҳозирги иқтисодий вазият ички имкониятларни ахтариб топишни тақозо қилмоқда. Бу эса бевосита омилли таҳлил усулларини ҳам кенг миқёсда қўллашни талаб қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий корхоналарда ҳажм кўрсаткичлари ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўзига хос хусусиятларга эга. Кичик ҳажмга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар ҳам ўзгаради. Бу эса уларни таҳлил қилиш усулларига ҳам ўзига хос тарзда ёндошувни тақозо қилади. Аммо юқорида номлари зикр этилган шу соҳанинг етакчи олимлари адабиётларида айнан, хусусий мулкка асосланган кичик бизнес корхоналарига хос таҳлил усуллари, айниқса омилли таҳлил етарли даражада

ёритилмаган. Шуларни инобатга олиб мазкур корхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, таннарх, фойда каби натижавий кўрсаткичлар ҳамда рентабеллик, рақобатбардошлик каби нисбий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш йўллари кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида товарни ишлаб чиқариш билан бирга уни сотиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин товарни сотиш қанчалик муҳим бўлмасин олдин уни ишлаб чиқариш лозим. Ишлаб чиқариш бўлмаса, табиийки, сотиш бўлмайди. Аммо ишлаб чиқариш, олдингидек, фақат ишлаб чиқариш учун эмас, балки сотишга қаратилган, товар эса истеъмолчининг талабига жавоб берадиган бўлиши лозим.

Маҳсулот ҳажмининг натурал миқдори бўйича умумий ўзгаришига ҳам бирқанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз. Биринчиси, маҳсулот умумий натурал миқдорининг бажарилиш коэффиценти ва иккинчиси, маҳсулот ассортиментининг таркибий ўзгариши. Таҳлил жараёнида шу икки омилнинг ҳам таъсирини аниқлаш лозим. Буларни аниқлаш учун бир қанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Энг аввало, барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича натурал миқдорининг умумий бажарилиш коэффицентини (K_{nm}) аниқлаб олиш лозим. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\frac{\text{Умумий маҳсулот натурал миқдори режасининг бажарилиш коэффиценти (} K_{nm} \text{)}}{\text{}} = \frac{\text{Ҳақиқий бажарилгани Режада кўзда тутилгани}}{\text{}}$$

Ушбу коэффицент аниқлангач мазкур омилнинг маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирини (ΔQ_{nm}) ҳисоблаш мумкин. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{nm} = (Q_r \cdot K_{nm}) - Q_r$$

Бунда: Q_p – ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги миқдори ва
режадаги баҳода ифодаланиши;

K_{nm} - маҳсулот натурал миқдори режасининг умумий
бажарилиш коэффициенти;

Агар ушбу формулани кенгайтириб ёзадиган бўлсак қуйидаги
формулага эга бўлиш мумкин:

$$\Delta Q_{nm} = (q^p \cdot p^p) \cdot K_{nm} - (q^p \cdot p^p);$$

Ушбу формуланинг биринчи қисмини яна бошқача кўринишда ҳам
ифодалаш мумкин:

Режадаги баҳо ва режадаги таркибдаги ҳақиқий товар маҳсулотининг миқдори	=	Ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги миқдори ва режадаги баҳодаги ҳажми	X	K_{nm};
--	---	---	---	------------------------------------

Товар маҳсулоти ҳажмининг иккинчи омил, яъни товар
гуруҳларининг таркибий тузилиши ўзгариши эвазига ўзгарганлигини
аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{tm} = (q^x \cdot p^p) - (q^p \cdot p^p) \cdot K_{nm};$$

Бунда: ΔQ_{tm} - маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига уларнинг
таркибий тузилиши ўзгаришининг таъсири;

q^x - маҳсулотнинг ҳақиқатдаги натурал миқдори;

q^p - маҳсулотнинг режадаги натурал миқдори;

p^p -1 шартли банка маҳсулотнинг режадаги баҳоси.

Ушбу формуланинг биринчи қисмини яна қуйидагича ҳам ифодалаш
мумкин:

$$\begin{array}{l} \text{Ҳақиқатда ишлаб} \\ \text{чиқарилган товар} \\ \text{маҳсулотининг} \\ \text{режадаги баҳоси} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Ҳақиқатда иш-} \\ \text{лаб} \\ \text{ган} \\ \text{ҳажми} \end{array} \times \begin{array}{l} \text{чиқарил-} \\ \text{маҳсулот} \end{array} \times \begin{array}{l} \text{Маҳсулотнинг} \\ \text{режадаги} \\ \text{баҳоси} \end{array} ;$$

Агар ушбу омилларни маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича аниқлаш лозим бўлса, шу товар ассортиментлари бўйича ҳисобланган омилларни жамлаш мумкин. Бу учун қуйидаги иккита формула тавсия қилинади:

$$\text{Биринчи омил учун: } \Delta Q_{\text{кнм}} = \Sigma (q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{нм}} - \Sigma(q^p \cdot p^p);$$

$$\text{Иккинчи омил учун: } \Delta Q_{\text{тг}} = \Sigma (q^x \cdot p^p) - \Sigma(q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{нм}};$$

Шу икки омилнинг амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш ушбу назарий тавсияларнинг амалий қимматини оширади.

Товар маҳсулоти ўзгаришига ушбу омиллардан ташқари яна бир қанча омиллар ҳам таъсир қилишини инобатга оладиган бўлсак мазкур ҳисоб-китобларни давом эттириш мумкин. Умуман олганда товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига юқорида кўрсатилганлар билан бирга яна бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига:

- * товар маҳсулотининг натурал миқдори;
- * товар маҳсулотининг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар;
- * товар маҳсулотининг таннархи;
- * товар маҳсулотининг баҳоси

каби омиллар киради. Уларнинг таъсирини ҳисоблаш учун бирқанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни тавсия қиламиз.

Корхонада товар маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг натурал миқдори ошганлигининг умумий қийматига таъсирини ($\Delta T_{\text{м.нм}}$) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{\text{м.нм}} = \sum_{i=1}^n [T_{\text{ми}}^p \cdot (T_{\text{м.нкі}}^x / T_{\text{м.нкі}}^p)] - \sum_{i=1}^n T_{\text{м.и}}^x ;$$

Бунда: $T_{\text{ми}}^p$ - i - товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг режадаги қиймати;

$T_{м.нқі}^x$ - i -товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, ҳақиқатда;

$T_{м.нқі}^p$ - i товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, режада;

i - товар гуруҳларининг тартиб рақами ($i = \overline{1, n}$)

n - товар гуруҳларининг умумий сони.

2. Товар маҳсулотининг ўзгаришига унинг таркибий тузилишидаги ўзгариш ($\Delta T_{м.тг}$) ҳам сезиларли даражада таъсир қилади. Уни аниқлаш учун ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги баҳоси билан ҳисобланган миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{м.р} \delta i^x$) ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги таркибдаги миқдори ($\sum_{i=1}^n T_{м.і}^p \cdot K_{нмі}$) айрилади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta T_{м.тг} = \sum_{i=1}^n T_{м.р} \delta i^x - \left(\sum_{i=1}^n T_{м.і}^p \cdot K_{нмі} \right);$$

3. Товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига баҳонинг ўзгариши ҳам алоҳида таъсир қилади. Ушбу кўрсаткични ($\Delta T_{м.б}$) аниқлаш учун ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги таннархи билан ҳисобланган ҳажмидан ($\sum_{i=1}^n T_{м.р} t_{нi}^x$) ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги баҳосида ҳисобланган ҳажмини ($\sum_{i=1}^n T_{м.р} \delta i^x$) айириб ташланади. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta T_{м.б} = \sum_{i=1}^n T_{м.р} t_{нi}^x - \sum_{i=1}^n T_{м.р} \delta i^x;$$

4. Товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгариши бевосита унинг таннархидаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Агар таннархи қанча паст бўлса бир хил баҳода кўп фойда олиш мумкин ва аксинча. Агар маҳсулотнинг таннархини камайтирсак, тенг ҳолда, унинг нархини пасайтириб ҳам фойда

олишга эришишимиз мумкин. Шу туфайли маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таннархнинг таъсири ҳам ҳисобланиши лозим. Ушбу омилнинг таъсирини ($\Delta T_{м.тн}$) аниқлаш учун товар маҳсулотининг ҳақиқий миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{м.х}$)

унинг режадаги таннарх билан ҳисобланган миқдори айрилади

($\sum_{i=1}^n T_{м.ртн^х}$). Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{м.тн} = \sum_{i=1}^n T_{м.х} - \sum_{i=1}^n T_{м.ртн^х};$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T_{м.} = \Delta T_{м.нм} \pm \Delta T_{м.тг} \pm \Delta T_{м.б} \pm \Delta T_{м.тн};$$

1.3. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари, манбалари ва усуллари

Мамлакатни модернизациялаш шароитида мулк шаклидан катъий назар барча фирма ва компанияларда маҳсулотларни энг аввало сотиш учунгина ишлаб чиқаришни ташкил этадилар. Фақатгина буюртмачи талаби асосида ва истеъмолчиларнинг дидини мўлжаллаб, барча талабни кондиритиш мақсадида сифатли товарлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Маҳсулотларнинг ўз муддатида сотилиши ишлаб чиқаришни маромида давом этишини таъминлайди, бойликларнинг айланишини тезлаштиради. Маҳсулот сотиш орқали қилинган доимий ва ўзгарувчан харажатлар қопланади ва фирма фонда қуришни мўлжаллайди. Сотиш ҳажми ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги босқичидир. Маҳсулот сотишдан келган тушум орқали корхона биринчи галдаги тўловларни амалга оширади, яъни, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини бажаришга, нобюджет фондларига ажратмаларни тўлашга, ўз ишчи ва хизматчилари билан меҳнат ҳақи юзасидан тўловларни бажаришга, олган кредит ва қарзларини қайтаришга,

мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишларни амалга оширишга ҳаракат килади. Бу ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида бажарилиши турли хил жарима, иқтисодий огоҳлантиришлар ва пенялар тулашдан корхонани қутқаради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўз вақтида сотилиши корхонанинг ижобий молиявий натижага эришиши, дивиденд тўловларини уз вақтида амалга ошириши, мулк ва маблағларнинг узлуксиз ҳамда самарали айланиши каби кўпгина молиявий ахвол муносабатларини яхшилаш имкониятини туғдиради. Реализацияси жараёнини муддатида бажарилиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва таъминот жараёнларини ҳам тезлашишига таъсир этади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиради, пул окимларини ижобий бўлишини таъминлайди.

Реализацияси буйича режанинг бажарилишида тайёр маҳсулот ва унинг сифати муҳим урин тутади.

Тайёр маҳсулот деб — барча ишлов операцияларидан ўтиб, тайёр ҳолга келтирилган, белгиланган давлат стандарти ёки техник талабларга жавоб берадиган, техник назоратдан утган маҳсулотга айтилади. Тайёр маҳсулот таркибига буюртмачи корхоналар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳамда ушбу корхонага қарашли ишлаб чиқаришдан ташқари хўжаликлар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳам киради.

Сотиш учун мулжалланган маҳсулот, товар маҳсулоти деб номланади. Унинг таркибига сотиш учун мулжалланган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр моллар, буюртмачи корхона ва муассасалар учун бажарилган саноат характериға эға булган ишлар киради.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида нарх турлари кўпаяди: улгуржи, чакана нархлардан ташқари яна ички, халқаро нархлар мавжуддир. Ички нарх товарларға давлат ичкарасидаги белгиланган нарх халқаро нарх эса товарларға халқаро бозорда белгиланган нархдир. Булардан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида икки хил нарх амал килади:

1. Эркин нарх.
2. Давлат томонидан белгиланадиган нарх.

Давлат томонидан белгиланадиган нарх кейинчалик қисқариб боради, эркин нархнинг доираси кенгайиб боради. Корхоналар уз ишлаб чиқарган маҳсулотларини эркин нархда истеъмолчилар билан келишиб, реализациясига интиладилар. Камёб молларни товар биржаси — кимошди савдоси оркали реализацияси кенг ривожланди.

Омборга қабул қилинган ва харидор корхоналарига жунатилган маҳсулот бухгалтерия ҳисобида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи буйича акс этирилади. Бироқ сеҳлардан маҳсулот омборга қабул қилинганда унинг ҳақиқий таннархи маълум булмагани учун, маҳсулот ҳаракатини қабул қилинган режа таннархи ёки улгуржи баҳода ҳисобга олинади, яъни баҳоланади.

Мамлактни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш жараёнларини таҳлил қилишда молиявий ва бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш ҳажми буйича белгиланган бизнес-режанинг асослилигини аниқлаш.

2. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш режасининг умумий ҳажмда ҳамда шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда бажарилишига объектив баҳо бериш.

3. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сифат курсаткичларини ўрганиш ва уларни реализацияси ҳажмига таъсирини аниқлаш.

4. Маҳсулот сотиш ҳажмларининг динамик узғариш сабабларини аниқлаш ва баҳо бериш.

5. Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш ва уларга баҳо бериш.

6. Шартнома мажбуриятларининг бузилиши, бажарилмаслик сабабларини аниқлаш ва унга баҳо бериш.

7. Маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини курсатиб бериш.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш жараёнларини таҳлил этишда таҳлил учун керакли булган ахборот манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг бизнес режа маълумотлари;
- сотиш жараёнлари буйича дастлабки бухгалтерия ҳисоби маълумотлари;
- «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари;
- «Корхона (бирлашма)нинг маҳсулоти буйича ҳисобот»и маълумотлари;
- бошқа қушимча маълумотлар.

II-Боб. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг таҳлили

2.1. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖнинг ижтимоий – иқтисодий тавсифи

“Дилшод – Нодир файз савдо” маъсулияти чекланган жамиятининг ташкил қилинишидан мақсад юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш, фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида амалга ошириш, ҳамда хизмат кўрсатиш ва фойда олишдир.

“Дилшод – Нодир файз савдо” маъсулияти чекланган жамияти қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланишади:

- Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш;
- Чакана савдо, комисион савдо, воситачилик, савдо воситачилиги, савдо харид фаолиятини амалга ошириш;
- Уз савдо тизимини яратиш ва ҳар хил турдаги маҳсулотлар савдосини ташкил этиш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;
- Халқ истеъмоли ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш сотиб олиш ва сотиш;
- Кундалик эҳтиёж моллари ва озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиб олиш ва сотиш;
- Мебел ишлаб-чиқариш, таъмирлаш ва сотиш;
- Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш жойларини очиш ва автосервисни ташкил этиш.

Ушбу корхона қонун доирасидаги барча фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

“Дилшод – Нодир файз савдо” маъсулияти чекланган жамиятининг асосий мақсади бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- аҳолини иш билан таъминлаш;

• Аҳолини турли хил маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш;

- жамият таъсисчилари билан биргаликда хўжалик юритиш;
- биргаликда қонуний фойда олишдан иборатдир.

“Дилшод – Нодир файз савдо” маъсулияти чекланган жамиятининг фаолиятини амалга оширишда ўзининг устав фонди иштирокчилар ҳисобидан ташкил этилган ва 102.216.728 сумга тенг. (2.1.1-жадвал)

2.1.1-жадвал

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖнинг устав фондининг таркиби

(минг сўм)

Таъсисчиларнинг номи	Суммаси, сўм	Улуши %
Абсаломов Шакарбой Абдуваитович	44 716 728	44,0
Назарова Мохичехра Ҳамракуловна	57 500 000	56,0
Жами:	102 216 728	100,0

Ушбу жадвалда корхона улушчилари кўрсатилиб утилган улар қуйидагилар ҳисобланишадилар: Абсаломов Шакарбой Абдуваитович компанияси унинг улуши 44 % (44 716 728 сум) ни ташкил этади, Назарова Мохичехра Ҳамракуловна улуши 56 % (57 500 000) ни ташкил этади ташкил этади.

“Дилшод – Нодир файз савдо” маъсулияти чекланган жамиятининг моддий техника базаси ва моддий ресурслари тўғрисида маълумотга эга бўлиш мақсадида бизлар 2.1.2-жадвални туздик.

Берилган 2.2.2-жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

“Самарқанд тола” Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонасида асосий воситаларнинг қиймати 2016 йилда 299184,00 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 178588,00 минг сўм бўлган. Бундан кўриниб

турибдики, 2015 йилга нисбатан 2016 йилда асосий воситалар қиймати 120596,00 минг сўмга ёки 67,5% га купайган.

2.1.2-жадвал

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖнинг активлари ҳолати ва таркибининг таҳлили

(минг сўм)					
№	Кўрсаткичлар	2015йил	2016 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати%
1	Асосий воситаларнинг қиймати	123900	218945	95045	176,7
2	Айланма маблағларнинг қиймати	95621.6	16178	-79443,6	-16.9
3	Барча активлар	219521.6	235123	15601,4	107.1
Нисбий кўрсаткичлар					
4	Асосий воситаларнинг умумий активлардаги улуши % (1қ:3қ*100)	56.4	93,1	165.1	101.9
5	Айланма маблағларнинг умумий активлардаги улуши % (2қ:3қ*100)	43.6	42.5	509,2	97.4
	Жами активлар:	100	100	100	100

Манба: “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖнинг “Бухгалтерия баланси-1-сонли шакл” маълумотлари асосида ҳисобланди.

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖнинг барча активлари ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, барча активларнинг қиймати 2015 йилда 219521.6 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2016 бу кўрсаткич 380725 минг сўмга етган. Бундан кўриниб турибдики, барча активлар суммаси 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 358772.4 минг сўмга ёки 173.4% га кўпайган.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви, ислохотларнинг чуқурлашуви, турли инқироз ва иқтисодий беқарорликларнинг содир бўлиб туриши, рақобатнинг мавжудлиги ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларининг ҳам фаолият самарадорлигини ошириш заруратини туғдиради. Чунки самарадорлик таъминланмаган жойда, фойда етарли даражада бўлмайди, фойда бўлмаган жойда эса мулкӣ (иқтисодий) ўсиш таъминланмайди ва бундай вазиятда

корхоналарнинг инқирозга юз тутиши, банкрот бўлиши тайин. Шу туфайли барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш лозим. Иқтисодийнинг барча тармоқларида, соҳаларида ҳам ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш улар тараққиётининг асосий омилдир.

Самарадорлик натижа деган маънони англатади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик – чегараланган ресурслардан оқилона, тежамли фойдаланган ҳолда эришилган натижани, яъни савдода аҳолининг истеъмол даражасини юксалтириш орқали тегишли рентабелликка эришишни англатади.

Самарадорлик «Эффект» тушунчасини англатади. «Эффект» латинча «effectus» сўзидан келиб чиқиб, бажарилиш ,ҳаракат, деган мазмунни билдиради.

«Самарадорлик» нисбий меъёр бўлиб, нисбий кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Иқтисодий самарадорлик – бу натижа билан харажатларнинг солиштирма кўрсаткичидир. Ресурслар самарадорлигини аниқлашда ишлатилган (харажат қилинган) ресурсларни фаолият натижаси (маҳсулот, товар сотиш, хизмат), яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот, товар айланиш ҳажми, хизмат қиймати ёки даромад, фойда каби кўрсаткичлар билан солиштирилади.

Корхонага қўйилган активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири, узок муддатли активлар рентабеллигидир (R_{ya}). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун соф фойда ($Cф$) барча узок муддатли активларнинг умумий миқдорига ($A_{ум}$) бўлинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

$$R_{ya} = Cф * 100 : A_{ум}$$

Мазкур кўрсаткич корхона раҳбари учун катта аҳамиятга эга. Корхонага қўйилган инвестициянинг неча фоизи ўзига қайтаётганлигини шу кўрсаткич орқали билиб олади.

Ушбу гуруҳга кирувчи навбатдаги кўрсаткич жорий активлар рентабеллиги (Ржа). Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун ҳам соф фойдани (Сф) фақат жорий активларга (Аж) бўлиш лозим бўлади. Бунинг учун куйидаги формула тавсия қилинади:

$$Ржа = Сф * 100 : Аж$$

Мазкур кўрсаткичнинг миқдори жорий йилда ушбу корхонани реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, янги жиҳозлар олиш каби ишлар учун жорий активларнинг самарадорлигини ифода этади, яъни шу инвестиция бир йилда қанча фойда келтирганлигини кўрсатади. Агар ўтган йиллар билан таққосланадиган бўлса, аҳвол қай тарафга ўзгараётганлигини ва унинг самарадорлигидаги ўзгариш тенденциясининг йўналишларини аниқлаб, уларга баҳо бериш имконияти туғилади.

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖга қўйилган активлар самарадорлигини таҳлил қилиш учун бизлар 2.1.2-жадвални тузишни лозим топдик.

2.2. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг таҳлили

Корхоналар фаолиятини ифодаловчи ҳажм кўрсаткичлари таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Деярли барча иқтисодий таҳлилга бағишланган дарсликларда ушбу масалага у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган.

Аммо бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётнинг эркинлашуви, кўпмулкчиликка асосланган иқтисодий тизимда кичик бизнесга асосланган хусусий сектор корхоналарининг вужудга келиши бу соҳага янгича ёндошишни, иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки корхонани бевосита оқилона бошқариш учун зарур бўлмоқда. Шу туфайли иқтисодий таҳлилга талаб ва уни амалга ошириш зарурати янада кучайди. Боз устига ҳозирги

иқтисодий вазият ички имкониятларни ахтариб топишни тақозо қилмоқда. Бу эса бевосита омилли таҳлил усуллари хам кенг миқёсда қўллашни талаб қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий корхоналарда ҳажм кўрсаткичлари ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўзига хос хусусиятларга эга. Кичик ҳажмга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар хам ўзгаради. Бу эса уларни таҳлил қилиш усуллари хам ўзига хос тарзда ёндошувни тақозо қилади. Аммо юқорида номлари зикр этилган шу соҳанинг етакчи олимлари адабиётларида айнан, хусусий мулкка асосланган кичик бизнес корхоналарига хос таҳлил усуллари, айниқса омилли таҳлил етарли даражада ёритилмаган. Шуларни инобатга олиб мазкур корхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, таннарх, фойда каби натижавий кўрсаткичлар хамда рентабеллик, рақобатбардошлик каби нисбий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш йўллари кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида товарни ишлаб чиқариш билан бирга уни сотиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин товарни сотиш қанчалик муҳим бўлмасин олдин уни ишлаб чиқариш лозим. Ишлаб чиқариш бўлмаса, табиийки, сотиш бўлмайди. Аммо ишлаб чиқариш, олдингидек, фақат ишлаб чиқариш учун эмас, балки сотишга қаратилган, товар эса истеъмолчининг талабига жавоб берадиган бўлиши лозим.

Бу жараёнлар ўз-ўзидан ушбу кўрсаткичлар таҳлилига хам алоҳида, бугунги замон нуқтаи назари билан ёндошишни талаб қилади. Ушбу талабдан келиб чиқиб маҳсулотни ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш учун қуйидаги умумлашган жадвални тузишни тавсия қиламиз

(2.2.1-жадвал).

2.2.1. - жадвал


“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда 2016 йилда маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми

Кўрсаткичлар	2016 й		Фарқи (+,-)	
	режада	ҳақиқатда	режага нисба-тан	ўтган йилга нисба-тан (%)
Челак 11л дона	700	785	85	112,1
Челак 17 л дона	700	785	85	112,1
Узун гул тувак дона	700	785	85	112,1
Юмолоқ гул тувак дона	700	785	85	112,1
Деворга илинадиган гул тувак дона	700	785	85	112,1
таз 11 л дона	300	400	100	133,3
таз 14 л дона	700	785	85	112,1
таз 22 л дона	700	785	85	112,1
Ящик п/э дона	7000	7300	300	104,3

Манба: Корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича 2016 йилида режа бўйича 700 дона 11 л. челак ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлса ҳақиқатда 785 дона 11л. челак ишлаб чиқарилган, режага нисбатан ҳақиқатда 85 дона кўп 11л. челак ишлаб чиқарилган бўлиб, режага нисбатан ҳақиқатда ўсиш суръати 12,1 % ни ташкил қилган. Ҳудди шундай 17 л. челак, узун гул тувак, юмолоқ гул тувак, деворга илинадиган гул тувак, 14 л таз ва 22 л таз ишлаб чиқариш бўйича ҳам шундай натижа кузатилган. 11 л таз ишлаб чиқариш бўйича 2016й. режа бўйича 300 дона режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 400 дона ишлаб чиқарилган. Режага нисбатан ҳақиқатда ўсиш суръат 133,3 %ни таш кил қилган. Шунингдек корхонада яшик ишлаб чиқариш режада 7000 дона режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 7300 дона ишлаб чиқарилган. 2016 йилда ре жага нисбатан ўсиш сурати 104,3 % ни ташкил қилган.

Қуйидаги 2.2.1.-расмда “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда 2014-2016 йиллардаги сотилган маҳсулот ҳажмининг режага нисбатан бажарилиши с келтирилган.



Келтирилган расм маълумотларидан кўриниб турибдики, “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда сотилган маҳсулот ҳажми кўрсаткичлари 2014 йилда 8,4 %га ошган. Худди шундай ўсиш тенденциясини бизлар 2015 йилда 12,4 % ва 2016 йили эса 42,1 % ни кўришимиз мумкин. Корхонада режага нисбатан энг юқори ўсиш тенденциясини 2016 йилда кўришимиз мумкин.

Корхона фаолиятини таҳлили маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат) ва уни сотиш таҳлилидан бошланади. Чунки ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари фаолият юритишнинг асосий кўрсаткичларидир. Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган маҳсулотнинг ҳажми, ассортимент, сифатига харажат, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига боғлиқ. Таҳлил натижалари асосида аниқ мақсадларга йўналтирилган бошқарув қарорлари ишлаб чиқилади, жумладан:

– маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб шаклланади;

- ишлаб чиқариш қувватидан келиб чиққан ҳолда аниқ ҳажмдаги маҳсулот миқдори белгиланади;
- ишлаб чиқариш харажатларининг сметаси тузилади;
- моддий-техник ресурсларни етказиб бериш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режалари шаклланади;
- меҳнат ресурсларига талаб баҳоланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари корхона томонидан бозор конъюнктурасини чуқур таҳлил этган ҳолда мустақил равишда режалаштирилади.

Мамлакатимизда оқилона ва самарали иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқиши ва ҳаётга изчил равишда татбиқ этилиши, барқарор ривожланишнинг асосий манба, омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият берилиши кейинги йилларда иқтисодий ўсиш-нинг юқори суръатларининг таъминланишига имконият яратмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини комплекс таҳлили икки йўналишда олиб берилади:

- а) маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилишини баҳолаш;
- б) бир неча йиллар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш динамикасининг таҳлили.

Ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини режа маълумотлари билан таққослаш орқали режанинг бажарилиши, режадан фарқланиши мутлақ суммада, ўтган йил билан таққослаш орқали эса маҳсулот ҳажмини ўсиш суръати аниқланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш динамикасининг қуйидаги кўрсаткичлари аниқланмоғи лозим:

- ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажмини ўтган йилдагиси билан таққослаш орқали ўзгариш тезлигининг ўсиши мутлақ суммада қуйидагича аниқланади.

$$\Delta N = N_1^T - N_0^T \quad (\text{бунда «Т» - товар маҳсулоти})$$

– ўрганилаётган давр бўйича маҳсулотнинг умумий ўсиш суръати:

$$\Delta N^T = \sum_{i=1}^n \Delta N_i^T ;$$

Бунда: n – маҳсулот ҳажми динамикасининг даврлари (йиллар)

– маҳсулотнинг умумий ўсиш кўрсаткичини ўрганилаётган даврлар сонига бўлиш орқали мутлақ ўртага йиллик ўсиш аниқ-ланади.

$$\Delta N_{y\ddot{u}} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \Delta N_i^T ;$$

– маҳсулот ҳажмининг ўсиши (K_N) (индекс динамикаси) ва ўсиш суръати (ΔK_N) (занжирли индекс)лари ўрганилаётган даврлар-даги ишлаб чиқариш ҳажмининг интенсивлигини қуйидагича аниқ-лаш мумкин.

$$K_N = \frac{N_1}{N_0} ; \quad K_N = \frac{N_1}{N_0} - 1$$

Комплекс иқтисодий таҳлилга оид айрим манбаларда маҳсулот ҳажмининг ўсиши маҳсулот ҳажмининг индекси деб ҳам аталади. Бу кўрсаткич корхонанинг ривожланиш динамикасини ифодалайди. Тадқиқотчи фақат ташқи молиявий ҳисобот маълумотлари асосида (шакл №2) – қуйидаги икки индекс – сотишдан келган тушум ва сотилган маҳсулот таннархлари бўйича динамикасини аниқлаши мумкин.

Маҳсулот ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши ($K_{T\ddot{u}}$) ва ўсиш суръатлари ўртача геометрик формула асосида қуйидагича аниқланади.

$$K_{Ny\ddot{u}} = \sqrt[n]{N_1/N_0} ; \quad K_{Ny\ddot{u}} = \sqrt[n]{\frac{N_1}{N_0}} - 1 ,$$

бунда N_1, N_0 – ҳисобот ва базис даврларидаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Сотиш ҳажмининг ўртага йиллик ўсиши (ўсиш суръати) қуйи-дагича аниқланади:

$$K_N = \sqrt[n]{K_1 * K_2 * K_3 \dots K_n},$$

бунда $K_1, K_2, K... K_n$ – ўсиш суръати; n - ўрганилаётган давр, йиллар сони. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини комплекс таҳлили йиғма маълумотлар асосида амалга оширилади. Базисли ўсиш суръати таҳлил этилаётган даврнинг биринчи йилига нисбатан, занжирли ўсиш суръати эса олдинги йилларга нисбатан кетма-кетликда амалга оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳисоботларда амалдаги баҳода ифодаланади. Таҳлил этиш учун ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари таққосланадиган ҳолатга келган.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб бизлар корхонадаги таҳлилни “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖ маҳсулот сотиш ҳажмининг режага нисбатан бажарилиш ҳолати таҳлилидан бошлашни лозим топдик .
(2.2.2-жадвал)

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда сотилган маҳсулот ҳажми кўрсаткичлари 2014 йилда режадаги 23895,0 минг сўм урнига ҳақиқатда 25892,0 минг сўмлик товарлар сотилган ва режага нисбатан 1997,0 минг сўмга ёки 8,4 %га ошган. Худди шундай режага нисбатан ҳақиқатда ўсиш тенденциясини бизлар 2015 ва 2016 йилларда ҳам кўришимиз мумкин. Корхонада режага нисбатан энг юқори ўсиш тенденцияси 2016 йилда кузатилиб, ўша йили режага нисбатан ҳақиқатда 21041 минг сўмга ёки 42,1 % га ошган.

2.2.2-жадвал

**“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда 2014-2016 йиллардаги сотилган
маҳсулот ҳажмининг режага нисбатан бажарилиши таҳлили**

(минг сўм)

№	Йиллар	сотилган маҳсулот ҳажми режада	сотилган маҳсулот ҳажми ҳақиқатда	Фарқи (+, -)	Режа бажарилиш фоизда
1.	2014	23895	25892	1997	108,4
2.	2015	29289	32927	3638	112,4
3.	2016	50248	71389	21041	142,1

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Умуман олганда “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда сотилган маҳсулот ҳажми кўрсаткичлари 2014 йилдан 2016 йилгача бўлган уч йил мобайнида ҳар йили ўсиш тенденциясига ва режани ортиғи билан бажарилишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Таҳлилнинг кейинги босқичида бизлар “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда сотилган маҳсулот ҳажмининг йиллар давомида ўзгариш динамикасини ва тенденцияларини таҳлил қилишни лозим топдик (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

**“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда 2014-2016 йиллардаги сотилган
маҳсулот ҳажмининг динамикаси**

(минг сўм)

№	Йиллар	сотилган маҳсулот ҳажми жами	Мутлоқ ўсиши		Ўзгариш суръати, %	
			Ўтган йилга нисбатан	Базис йил (2014)га нисбатан	Ўтган йилга нисбатан	Базис йил (2014)га нисбатан
1.	2014	25892	-	-	100	100
2.	2015	32927	7035	7035	127,2	127,2
3.	2016	71389	38462	45497	216,8	275,7

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Келтирилган 2.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда сотилган маҳсулот ҳажмининг 2014-2016 йиллар оралиғида фақат ўсиш тенденцияларини кўрсатган. Энг юқори ўсиш кўрсаткичи 2016 йилда кузатилиб, 2016 йилга нисбатан мутлоқ ўсиш суммаси 45497,0 минг сўмни ташкил этиб ўсиш суръати 175,7% га ошган.

Албатта корхонада сотилган маҳсулот ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Жумладан сотилган маҳсулот ҳажмининг ортиши корхонада кўпроқ даромад ва фойда олиш имконини беради. Бундай натижалар корхонанинг молиявий ҳолати яхшиланиб ички ва ташқи бозорда ўз мавқеини топиб бораётганлигидан далолатдир.

III-боб. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда маҳсулотларишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ошириш йўллари

3.1. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда маҳсулотларишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ошириш йўллари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатларини янада чуқурлаштирилиш ва аҳолининг яшаш фаровонлигини ошириш муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларига маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш киради.. Корхона учун аниқ фойда фақат товарни сотгандан кейингина ҳосил бўлади. Албатта, бир қарашда реализацияси иккинчи даражали жараёндек туюлади. Чунки энг аввало, маҳсулотни ишлаб чиқариш лозим. Лекин бозор муносабатлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўзига “ҳазм” қила олмайди. Шу туфайли миллионлаб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилмасдан ишлаб чиқарувчининг омборида қолиб кетаверади. Бу эса корхонани бирор маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олдин унинг сотилиши ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Маҳсулотни реализациясини таҳлил қилишда уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Сотилган маҳсулотни таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёни, таркибига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, уларнинг сифати, сотилиш ҳажми, маромийлиги кабилар киради. Чунки сотилган маҳсулот ҳажми шу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир.

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлилини такомиллаштиришда корхона субъектларининг муҳим кўрсаткичларидан бири сотилган маҳсулот ҳажми бўлганлиги туфайли, биз маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотилиш ҳолатини такомиллаштириш учун

унинг фаолиятига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини такомиллаштиришни мазкўр кўрсаткич мисолида кўриб чиқишни маъқул билдик.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Уларнинг бир қанча гуруҳлари бўлиш мумкинлиги ҳақида юқорида ҳам таъкидлаган эдик. Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим жиҳати, таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари аниқлаб, таҳлил қилинаётган кўрсаткич тўғрисида аниқ хулосага келиш ва уни яхшилаш бўйича амалий тадбирларни ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан гуруҳлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зеро, ушбу омилларни ҳисоблаш учун бухгалтерия ва статистик ҳисоби ва ҳисоботларида аниқ маълумотлар ҳам келтирилган.

Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар иқтисодий мазмуни жиҳатидан 4 гуруҳга бўлинади:

- Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар;
- Айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар;
- Номоддий активлар билан боғлиқ омиллар.

Ушбу омиллар таъсир қилиш даражасига қараб 2 гуруҳга бўлинади:

1. Интенсив омиллар;
2. Экстенсив омиллар.

Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи барча омиллар бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқададир. Уларнинг бирорта кўрсаткич ўзгаришига таъсирини ҳисоблаганда, албатта, ҳаммасини бирданига ҳисоблаб олиш лозим. Чунки алоҳида-алоҳида ҳисоблаб олганда омилли таҳлил тўлиқ бўлмасдан қолади.

Ушбу омилларнинг ҳаммаси корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ташкил қилади. Корхона иқтисодий салоҳиятининг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини алоҳида-алоҳида ҳисоблаб олганда қараб бўлмайди. Зеро, натижанинг ўзгаришига ушбу омиллар бирданига таъсир қилади.

Бу ҳолатни инобатга олиб, сотилган маҳсулот ҳажмига корхона иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омилларнинг таъсирини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилган.

Бизнинг таҳлилимиздаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2014-йилдан 2016-йилларда бир қанча ўзгаришлар бўлган ва буларга бир қанча омиллар таъсир қилгандир.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири ушбу омилларнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини аниқлашдан иборатдир.

Бир қанча адабиётларда келтирилган усулларга асосланган ҳолда, уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, чоп қилинган адабиётларда ҳар бир гуруҳ омилларни ҳисоблаганда, айнан шу омиллар эътиборга олининб, бошқа омилларни эса, шу жараёнга таъсир қилмаган деб фараз қилинади. Натижада, ҳар бир гуруҳ омиллар таъсирининг умумий миқдори таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг умумий фарқини 100 фоиз қоплайди. Юқорида бу омиллар 4 гуруҳга бўлинганди. Амалдаги усуллар билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа кўрсаткичининг ўзгаришига 4 гуруҳ омилларнинг таъсири жуда юқори фоизни ташкил қилади. Чунки бу ҳолатларда “такрорий ҳисобга” йўл қўйилади.

Амалдаги усулларнинг бундай камчилигини бартараф қилиш учун ҳар бир гуруҳ омилни алоҳида қарамасдан, уларни бир-бири билан узвий боғлиқда ва алоҳида деб қараймиз, ҳар бир гуруҳга тегишли равишда салмоқчилик коэффициэнтини жорий қилишни тавсия қиламиз. Тадқиқот кўрсатдики, сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг салмоқчилик коэффициэнтини, тахминан, қўйидагича деб белгилаш мумкин:

- Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар – 0,40;
- Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар – 0,30;
- Айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар – 0,20;
- Номоддий активлар билан боғлиқ омиллар – 0,10.

Ушбу салмоқчилик коэффициэнтини аниқлашда мантикий-евристик таҳлил усулларида фойдаланилади.

Таҳлил пайтида нафақат маҳсулот бўйича ва регион бўйича реализацияси ҳажмининг кўрсаткичлари кўриб чиқилади. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлилини такомиллаштиришда бир неча тадбирлар амалга оширилади, яъни реализацияси тармоғини ташкилланиши рекламанинг самарадорлиги, сотувнинг рағбатлантирилиши, бозорнинг тўғри танланганлиги, бозорга чиқиш вақти ва усуллари каби масалалар ҳам кенг ёритилади.

Агар айтиб ўтган тавсиямиз амалиётга қўлланилса, маҳсулот реализацияси ҳолати таҳлилини такомиллаштириш борасида тўғри ва одилона амалга ошириш имконини беради.

Корхона маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ошириш йўллари мавзусининг хотима қисмида ишга солинмаган ички имкониятлар ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятлари аниқланмоғи лозим. Ишга солинмаган имкониятлар маҳсулот реализацияси ҳажмини оширишга, фойда ва рентабелликни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Белгиланадиган тадбирийд чоралар корхонанинг барча буғинларини ўз ичига олиши керак, яъни ишлаб чиқариш, молиявий ҳолат, молиявий натижаларнинг самарадорлигини оширишга қаратилмоғи лозим.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш йўллариға кўйидагиларни киритишимиз мумкин:

- рақобатға бардош, юқори талабға эға бўлган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш васотиш;
- тайёр маҳсулот қолдиғини белгиланган меъёр даражасида сақлаш;
- сифатсиз маҳсулотларни арзонлаштирилган нархларда сотиш;
- сотишни бир маромда ташкил этиш, омбордаги тайёр маҳсулот камомадини (инвентаризация натижасига кўра) ундириб олиш;
- маҳсулот сифатини ошириш;
- Сотувчи иш ходимларни рағбатлантириб туриш ва ҳоказолар киради.

Умуман олганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти – бу даставвал товар ҳаракати каналларини ташкил қилишдир. Унинг вазифаси

эса ишлаб чиқариладиган маҳсулотни самарали сотиш учун оптимал реализацияси тармоғини ташкил қилиш, шу жумладан, чакана ва улгуржи дуконлар тармоғи, оралиқ сақлаш омборлари, техник хизмат кўрсатиш пунктлари ва кўргазма залларини яратиш, товар ҳаракати йўналишларини аниқлаш, транспартировка, юклаш ва тушириш ишлари, таъминот тизими ва хоказоларни ташкил қилишдан иборат

Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини шакллантиришда қатор омилларни ҳисобга олишга тўғри келади:

1. Пировард истеъмолларнинг хусусиятлари, яъни уларнинг сони, концентрация даражаси, ўртача бир марталик харидорнинг катталиги, дўконларнинг ишлаш тартиби ва бошқалар;
2. Процент – корхонанинг имкониятлари, яъни унинг молиявий аҳволи, рақобатбардошлиги, бозор стратегиясининг асосий йўналишлари, ишлаб чиқариш миқёслари;
3. Товар тавсифи, яъни кўрининши, ўртача нархи, ишлаб чиқариш ва талабнинг мавсумийлиги, техник хизмат кўрсатишга қўйиладиган талаблар, сақлаш муддатлари;
4. Рақобат даражаси ва рақобатчиларнинг реализацияси сиёсати, яъни уларнинг сони, концентрацияси, реализацияси стратегияси ва тактикаси, реализацияси тизимидаги ўзаро муносабатлар.
5. Бозорнинг тавсифи ва хусусиятлари, яъни ҳақиқий ва потенциал сиғими, урф-одатлар ва савдо амалиёти, харидорларнинг тақсимланиш зичлиги, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад.
6. Турли хил реализацияси тизимлари ва реализацияси каналлари структураларининг таққослама қиймати.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи товарни ишлаб чиқаришда ва товар хариди харидор тўловига қобилиятли ва товар унга зарур бўлгандагина амалга ошади. Лекин товарни харид қилиш учун унинг истеъмол хусусиятлари номаълум бўлган товарни сотиб олмайдилар, ваҳоланки, инсон янгиликларга нисбатан ҳар доим биров хавсираш билан қарайди.

Реализациясини рағбатлантириш бўйича тадбирлар товарнинг истеъмол хусусиятлари билан шахсий тажрибаси орқали таниш бўлган харидорларга қаратилган. Маҳсулот реализациясини рағбатлантириш вазифалари – мазкур товарнинг кейинги харид қилинишига, катта партияларни сотиб олишга, корхона ва харидор ўртасида мунтазам тижорат алоқаларини рағбатлантиришга қаратилган.

Одатда, харидорлар ва сотувчилар (воситачилар, агентлар, диллерлар) га йўналтирилган реализациясини рағбатлантириш тадбирларини фарқлайдилар. Харидорларга нисбатан маҳсулот реализациясини рағбатлантириш келишилган шартларда товарни харид қилаётганларга сезиларли тижорат фойдасини таклиф қилишдан иборат. Бу даставал, куйидаги манфаатлардир:

1. Чегирмалар – сотиб олинадиган товар партиясининг ҳажми учун;
2. “Бонус” чегирмалари – муайян товар харидларининг мунтазамлиги учун;
3. Муддатни узайтириш шаклидаги кредит, бошланғич тўловнинг йўқлиги, товарни харид қилишда маълум суммадаги пул кўринишидаги “совға”;
4. Маҳсулотни вақтинчалик синаб кўриш учун фойдаланишга бепул топшириш ва бошқалар.

Умуман олганда, бозор муносабатлари шароитида товарни ишлаб чиқариш билан бирга уни реализацияси муҳим аҳамият касб этади. Лекин маҳсулотни реализацияси қанчалик муҳим бўлмасин, олдин уни ишлаб чиқариш лозим. Ишлаб чиқариш бўлмаса, табиийки, реализацияси бўлмайди. Аммо ишлаб чиқариш, олдингидек, фақат ишлаб чиқариш учун эмас, балки реализациясига қаратилган, маҳсулот эса истеъмолчининг талабига жавоб берадиган бўлиши лозимлигини кўриб ўтдик.

Демак, “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖнинг таҳлил натижаларига кўра корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш имкониятларга эга.

Таҳлил натижаларига кўра корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш имкониятларига эга.

Маҳсулотни реализациясида рағбатлантиришнинг қуйидаги фаол шакллари мавжуд:

- кўргазма-савдо;
- ярмаркалар;
- махсус савдо агентлари хизматидан фойдаланиш;
- арзон баҳолар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш йўллари:

Ишлаб чиқаришни ва сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирлар товарнинг истеъмол хусусиятлари билан шахсий тажрибаси орқали таниш бўлган ҳаридорга қаратилган. Ишлаб чиқаришни ва сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирлар вазифалари — мазкур товарнинг кейинги ҳарид қилинишига, катта партияларни сотиб олишга, фирма ва ҳаридор ўртасида мунтазам тижорат алоқаларини рағбатлантиришга қаратилган.

Ишлаб чиқариш ва сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирларига шунингдек қуйидагилар киради:

1. Потенциал истеъмолчилар вакиллари учун янги товарларни ишлаб чиқариш ва товарнинг махсус тақдимотлари.
2. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга экскурсиялар.
3. Янги товарни ишлаб чиқариш ва бозорга киритишга бағишланган пресс-конференциялар.
4. Товарнинг янги моделини ишлаб чиқаришга ўтиш муносабати билан нархларни пасайтириш.
5. Ҳарид қилинган товарга қўшиб бериладиган кўпон лотереялари.
6. Товар имижини шакллантириш.

Баҳо системаси ёрдамида таклиф ва талаб ўртасидаги нисбатлар тартибга солинади. Бу масала ҳозирги кунда бизнинг корхоналар учун қийин муаммолардан биридир.

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини оширишда энг аввало ўз ички имкониятларини, яъни ўзининг ишга солинмаган қувватини тўлиқ амалга оширса, корхона самарадорлиги ошишига гувоҳ бўлишимизга шубҳа йўқдир.

3.3. “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда ходимлар меҳнат фаолияти ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган чоратадбирлар.

Ҳозирги вақтга келиб республикамызда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бу ҳақда президентимиз ҳам ўз маърузаларида ва китобларида кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Шунга кўра, “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, уларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш” қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасида барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхонада меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширилади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларининг техника хавфсизликларини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли

адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлар, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёrlари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва ҳавфсиз шaroитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг ҳавфли вақ зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини цҳкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларининг ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарали ва ҳавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳаракатли ёки ифлосланишлар билан бўғлиқ шарoитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиланган меъёrlарда махсус кийим, пояфзал ва бошқа махсус химоя воситалари, ювиш ва дезинфекациялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бeпул бeрилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва ҳавфсиз шарoитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзарo мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига роия қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспексияси, прократура, шунингдек, касаба саюз органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба уюшмаларининг ишлаб чиқаришдаги қўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади.

Комиссия меҳнат қонунчилигига, ҳавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормаларга роия қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган кўрикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига фокфешдпфт маблағларни сарфланишини, бахциз ходисаларни тўғри ҳисобга олинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини ўрганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув сув булан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектор хўжалигининг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади, станоклар, асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олиниши, ўтиш жойлари ва иш ўринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек, ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба саюз қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни касаба саюзига қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қўрилган корхона ва хоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқа бўлади. “Йўл ҳаракати қоидалари” га риоя қилинишини Давлат автоинспексияси назорат қилади.

Электрик қўрилмалари, электр тармоқлар, нут қозонлари, электр стансиялари, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги кўтариш-тушуриш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз ва фаолият кўрсатиш қоидаларига риоя қилишни Давалат энергия назорати инспексияси назорат қилади. Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда ходимлар меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзланган:

1. Махсус кийим билан таъминлаш, шу жумладан элеватор ва омихта ем сехи бўлимида ишловчи айрим ходимларга рацператор билан таъминлаш;

2. Ҳар кварталда юриқномалардан ўтказиб ўқув тушунтириш ишлари жойларда ташкил этиш;

3. Бўлимларда биринчи ёрдам учун шароит яратиш;

4. Барча асбоб-ускуналарни ва жиҳозларни химоя тўсиқларини маҳкамлаш ва таъминлаш;

5. Барча қаватларда мавжуд асбоб-ускуна, дастгоҳларни, самотекларни герметизациясини яхшилаш ва бошқа чора-тадбирлар жамият томонидан амалга оширилмоқда ва назорат қилинмоқда.

Айтиб ўтганимиздек, ҳозирги вақтда барча соҳа ёки фаолиятда инсон омили барча нарсалардан устун қуйилмоқда.

Корхона ёнғин хавфсизлиги тўғрисида гапоришдан олдин ёнғин тўғрисида тушунча ҳосил қилишимиз лозим.

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади¹.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахциз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни учирришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Курбонов Ж.М. Битирув малакавий иши “Ҳаёт фалияти хавфсизлиги” бўлимини бажариш бўйича услубий кўрсатма. – Самарқанд, СамИСИ, 2010-йил, 53-бет.

Корхоналарда ва ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган ҳом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек, ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, ғарда ишлатиладиган ҳом ашёнинг ва чиқариладиган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатиладиган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар Вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахциз ҳодисаларга – заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни учуришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойиҳалашда, қуришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинандиган ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари

лудфолвф ёнғиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бўзилиши корхона ва сех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ.

Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, арашилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларнинг йўқотиш усулининг бузулиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

1. Хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
2. Ускуна-мосламаларни тўсиқланган ҳолатда жойлаштириш;
3. Корхона биноларидаги қўлланиладиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
4. Ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли констентасияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
5. Ёнувчи аралашмаларга ингибиторлик, инерт моддалар қўшиш;
6. Ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
7. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
8. Технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигининг таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;

9. Белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;

10. Технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ишга тушуришдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;

11. Хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

12. Ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

13. Кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараёнлар ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

1. Корхона ва барча туман электр ускуналар ва кабелларни махсус электролаборатория синовидан ўтказиш;
2. Корхонадаги мавжуд омборхоналардаги ёғоч конструкцияларни махсус ускуна билан ишлов бериш;
3. Корхонага қарашли ишлаб чиқариш сеҳлари, омборхоналарни керакли бўлган бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминлаш;
4. Корхона учқун ўчириш мосламалари билан тўлиғича таъминлаш ва бошқалар.

“Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар тўғрисида иловалардан батафсилтанишиб чиқишингиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишининг хулосасида шуни таъкидлаш лозимки, “Дилшод – Нодир файз савдо” МЧЖ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш ҳолати таҳлили борасида бир қанча муаммолар мавжудлигини аниқладик. Бу муаммоларнинг қисман булсада ечилишига доир қуйидаги таклифларимизни келтирдик.

1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш корхонанинг пул даромадларини асосий манбаи ҳисобланади. Корхонанинг самарали фаолият кўрсатиши учун ўз маҳсулотларини реализацияси ҳажмига боғлиқдир. Корхона маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш борасидаги назарий ва амалий қарашлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу категориянинг таърифи, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

2. Бозор муносабатлари шароитида корхона маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни очиб берилди ва унинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди.

3. Маҳсулотни сотиш ҳажмини кўпайтириш учун энг аввало сифатли маҳсулот ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун корхонани модернизациялаш, яъни барча активларини янгилаш ва таъминлаш зарурдир.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш учун энг аввало ишлаб чиқариш ва сотишни рағбатлантириш, яъни маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ходимларни ва харид қилишни рағбатлантиришга имкон берадиган ундовчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

5. Бозор муносабатлари шароитида маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бирга уни сотиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин маҳсулотни сотиш қанчалик муҳим бўлмасин олдин уни ишлаб чиқариш лозим. Аммо ишлаб чиқариш, олдингидек, фақат ишлаб чиқариш учун эмас, балки сотишга қаратилган, маҳсулот эса истеъмолчининг талабига жавоб берадиган бўлиши лозим.

6. Ҳар қандай иқтисодий категорияни ўрганиш учун иқтисодий таҳлилнинг муҳим жиҳатларидан бири, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашдан иборат. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни самарали амалга ошириш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди ва уни такомиллаштирилган тизими ишлаб чиқилди.

7. Корхона маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини оширишни таҳлилида кўпинча шундай ҳолатлар бўладики, бу умумий мувоффақиятлар ичида айрим камчиликлар, ҳали ишга солинмаган имкониятлар яшириниб ётган бўлиши мумкин. Буларни аниқлаш учун ушбу умумий ҳажмни алоҳида товар гуруҳлари бўйича ҳам ўрганишни тақозо қилади.

8. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни ҳажмини кенгайтириш учун кўшимча бозорларни излаб топиш ва унинг салоҳиятини белгилаш усулларини кўрсатиш лозим.

9. Корхоналарда сотилган маҳсулот ўзгаришига таъсир қилувчи барча омиллар одатда амалиётда қўлланилаётган усуллардан фойдаланилади. Бу усулларда бир қанча камчиликлар мавжуд ва урани бартараф қилиш учун ҳар бир гуруҳ омилни алоҳида қарамасдан, уларни бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада деб қарашимиз лозим ва ҳар бир гуруҳга, тегишли равишда салмоқлилиқ коэффициентини жорий қилишни тавсия қиламиз. Бизнинг тавсиямиз натижасида бир қанча омиллар таъсирини бир вақтнинг ўзида бирданига ҳисоблаш мумкин бўлади.

Агар ушбу тавсиялар амалиётга қўлланилса, корхона субъектлари иш фаолиятга тўғри баҳо бериш, уни одилона бошқариш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадборкорлик тўғрисида” ги қонуни. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997- йилда “Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ва давлат бюджети тўғрисида” ги 1996-йил 31-декабрдаги 469-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси “Қорхоналар тўғрисида” ги қонун. 1991-йил 15-феврал Ўзбекистон Республикаси қонуни ва фармонлари, Тошкент. “Ўзбекистон”, 1992.

II. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти

И.А.Каримов асарлари

1. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қабул қилинганининг 17-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, Халқ сўзи, 2009-йил 6-декабр.
2. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” И.А.Каримов –Т.: Ўзбекистон, 2009. 11-бет.

4. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом аттириш – давр талаби”. Ўзбекистон Республикасини Биринчи Президент Ислом Каримовнинг 2015-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2016-йил 15-январь.

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар “Корхона иқтисодиёти”. Дарслик. –Т.: Фан, 2013.
2. Абдукаримов И.Т. “Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари”. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, Тошкент, 1999.
3. Акрамов Э.А. “Корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили” –Т.: Молия, 2003.
4. Гулямов С.С. идр. “Политика доходов И заработной платы”. –Т.: 2001.
5. Ергашев Э.Е. “Иқтисодий ва молиявий таҳлил”. –Т.: Молия, 2005.
6. Пардаев М.Қ. “Иқтисодий таҳлил назарияси”. – Самарқанд;Зарафшон, 2001.
7. Пардаев М.Қ. “Молиявий таҳлил методологияси”. – Самарқанд, СамКИ, 1996.
8. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. “Молиявий таҳлил”. –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999.
9. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. “Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари”. –Т.: “Фан ва технология”, 2007.

10. Қурбонов Ж.М. Битирув малакавий иши “Ҳаёт фалияти хавфсизлиги” бўлимини бажариш бўйича услубий кўрсатма. – Самарқанд, СамИСИ, 2010-йил, 53-бет.

IV. Интернет сайтлари

1. www.suk.uz
2. www.Pravo.uz
3. www.Bti.uznet
4. www.google.uz
5. www.ref.uz
6. www.ziynet.uz
7. www.stat.uz
8. www.library.tuit.uz